

УДК: 618.14-006.363-091.8:616-091.8

БАЧАДОН МЕЗЕНХИМАЛ ХАВФЛИ ЎСМАЛАРИДА ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Умида Қаландарова- Урганч давлат тиббиёт институти PhD, доцент

Тадқиқот мақсади. Бачадон лейомиосаркомаси ва стромал саркомасида VEGF маркери экспрессиясини қиёсий иммуногистокимёвий таҳлил қилиш ҳамда улар асосида патоморфологик агрессивлик ва прогноз хусусиятларини аниқлаш.

Материал ва методлар. Иммуногистокимёвий тадқиқот Bond Leica Australia иммуногистопроцессорида стандарт протокол асосида бажарилди. Парафин блоклардан 4 мкм қалинликда кесимлар тайёрланди, депарафинлаш, дегидратация, демаскировка, эндоген пероксидазани блоклаш, бирламчи антитаналар билан инкубация, DAB-хромогенда визуализация ва гематоксилин билан контрбўйаш босқичлари амалга оширилди.

Натижалар. VEGF бўйича микромир зичлигини қиёсий таҳлил қилиш стромал саркомада ангиогенез жараёнининг юқори фаоллигини кўрсатди (25,0 томир/кўрув майдони), бу лейомиосаркомага нисбатан (12,5 томир/кўрув майдони) сезиларли даражада юқори ҳисобланади. Ушбу ҳолат стромал саркоманинг биологик агрессивлиги, тез ўсиши ва метастаз бериш эҳтимолининг юқорилиги билан боғлиқ. Лейомиосаркомада эса ангиогенез нисбатан чекланган бўлиб, VEGF экспрессияси ўсманинг морфологик гетерогенлигини акс эттиради. Шу сабабли микромир зичлиги прогностик аҳамиятга эга бўлиб, уни комплекс иммуногистохимик таҳлил доирасида баҳолаш мақсадга мувофиқ. VEGF экспрессиясига боғлиқ микромирлар зичлиги таҳлили шуни кўрсатадики, стромал саркома лейомиосаркомага нисбатан анча юқори ангиоген фаолликка эга бўлиб, бу унинг биологик агрессивлиги ва клиник жиҳатдан ноқулай прогнози билан чамбарчас боғлиқ.

Хулоса. VEGF бўйича лейомиосаркомада бир кўрув майдонида 10–15 та, стромал саркомада 20–30 та позитив томир аниқланди; бу стромал саркомада ангиогенез даражаси сезиларли юқори эканини кўрсатди. VEGF, Ki-67 ва Vcl-2 маркерларини биргаликда баҳолаш бачадон мезенхимал хавфли ўсмаларининг агрессивлик даражасини патоморфологик жиҳатдан асослаш, прогнозни аниқроқ белгилаш ва даволаш тактикасини оптималлаштириш учун қимматли ёндашув ҳисобланади.